

Биродарларнинг ўзаро ҳурмати



07:10 / 10.07.2019 1287

Ҳафс ибн Ғиёс айтади: «Суфён Саврий Мужаммиъ Таймийнинг олдига кирди. Суфённинг изорида йиртиқ жойи бор эди. Буни кўрган Мужаммиъ тўрт дирҳам олиб, Суфёнга узатиб, «Битта изор сотиб ол», деди. Суфён: «Менга изор керак эмас», деди. Мажмаъ: «Тўғри айтдинг, сенинг эҳтиёжинг йўқдир, лекин менинг эҳтиёжим бор», деди. Суфён пулни олиб, изор сотиб олди. Шундан кейин Суфён: «Мажмаъни Аллоҳ мукофотласин, менга кийим олиб берди. Амалларим ичида нуқсонсиз эканига кўнглим энг хотиржам бўлгани – Мужаммиъ Таймийга муҳаббатимдир», деб айтар эди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан